2025-yil
11-fevral
seshanba
№19
(5083)

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

# «БИР МИЛЛИОН ЯШИЛ ОИЛА» УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТИ

**Президентимизнинг жорий йил 7 февралдаги «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонида бир қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди. Ҳужжатга кўра, 2025 йилда аҳолининг саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини шакллантириш ва инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш борасида «Экофаол фуқаро» ҳаёт тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилган «Бир миллион яшил оила» умуммиллий ҳаракати йўлга қўйилади.**

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги **2025 йил 1 июнга қадар «Бир миллион яшил оила» умуммиллий ҳаракати** доирасида қуйидагиларни назарда тутувчи платформани ишга туширади:

– экологик тамойилларни ўзининг кундалик ҳаётига жорий этишда юқори кўрсаткичларга эришганларга **«Экофаол фуқаро» мақомини** бериш ҳамда улар учун давлат хизматларидан фойдаланишда **10 фоиз** чегирма ва давлат улуши **50 фоиздан** юқори бўлган банклардан истеъмол кредитини олишда чегирма тақдим этилади;





– оиланинг барча вояга етган аъзолари **«Экофаол фуқаро»** мақомини олганда, ушбу оилага **«яшил оила»** мақоми берилади ҳамда уларга ҳар йили очиқ танлов орқали **14 та** электромобиль топширилади;

– аҳолисининг ярми **«яшил оила»** мақомини олган маҳаллаларда **«Энг тоза маҳалла»** ва **«Энг яшил маҳалла»** танловларини ўтказиш ва ғолиб бўлган маҳаллалар жамғармасига маҳалла аҳолисининг таклифларини ўрганган ҳолда маҳалланинг ички инфратузилмасини янада яхшилаш тадбирларини молиялаштиришга, хусусан, йўлларни таъмирлаш, энерготежамкор ёритиш ускуналарини ўрнатиш, болалар майдончаси қуриш, **«яшил боғ»** яратиш ва ўриндиқлар билан жиҳозлаш, чиқинди йиғиш майдончалари қуриш, чиқинди қутилари ва контейнерларини ўрнатишга **500 миллион сўм** ажратилади.



■ Иқлим

## Қантар оғса, қор турмас

Ҳафтанинг биринчи ярмида Ўзбекистон ҳудуди нам ва нисбатан совуқ ҳаво массаси таъсирида бўлади, дея хабар бермоқда «Ўзгидромет».

Яна хабарда қайд этилишича, республика бўйича вақти-вақти билан асосан қор кўринишидаги ёғингарчилик бўлиши кутилмоқда.

Шу кунларда кундузги ҳарорат

**0...+5**

даража бўлади.

12 февралдан ҳарорат аста-секин кўтарила бошлайди, 14 февралга бориб ҳаво

**+8...+11**

даражагача илийди.

## УЛАР КАСАБА УЮШМА ҲИМОЯСИДА



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгашига Оҳангарон тумани Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги маркази ходими А.Лемдан шикоят аризаси келиб тушди.

Аризада фойдаланилмаган меҳнат таътили ҳамда касаллик варақаси бўйича пул тўланмай келинаётгани, унга амалий кўмак зарурлиги ёзилган эди. Ҳисоб-китоб жараёнлари ўрганилганда ташкилотда ҳисобчи ўзгаргани ва бухгалтерия дастурига ўз вақтида маълумотлар киритилмагани сабабли А.Лемга мурожаатда кўрсатилган тўловлар ажратилмагани аниқланди.

Шундан сўнг Оҳангарон тумани СЭО ва ЖС маркази раҳбарига кўрсатма хати киритилди ва маълум муддат ўтгач, мурожаатчига 6 миллион сўмдан зиёд маблағ тўлаб берилди.

Юқори Чирчиқ тумани, Бордонкўл қишлоғида жойлашган «Азия Тошкент текстил» МЧЖда механик бўлиб ишловчи Нажмиддин Ёқубовнинг ҳам ишлаган даври ва фойдаланмаган меҳнат таътили учун ҳисоб-китоб пуллари тўланмагани сабабли қилган мурожаати ўрганилди. Ўрганишлар ва МЧЖ раҳбариятига юборилган сўровдан сўнг унга 2 миллион сўмдан зиёд компенсация тўловлари ундириб берилди.

**Машраб МИРЗАЕВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори*



## «СИЗЛАР ИШДАН БЎШАТИЛДИНГИЗ...»

### аммо иш берувчининг ноҳақлиги исботланиб, ходимлар ўз вазифасига қайта тикланди

Дабдурустдан ишдан бўшатилганликлари ҳақидаги нохуш хабар «UZTEX GROUP» ходимлари Ҳусанбой Жабборов, Музаффар Жабборов ва Одилжон Тошпўлатовга ёмон таъсир қилди. Бинойидек ишлаб турганда ишсиз қолиш... Аммо улар ҳам бўш келишмади. Ана шундай вазиятда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгаши ноҳақ ишдан бўшатилганлар жонига ора кирди.

– Ўрганишлар натижасида меҳнат шартномаси бекор қилинган охирги кунда ходимларга меҳнат дафтарчалари ва меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ нусхаси берилмагани аниқланди, – дейди Федерациянинг Наманган вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Баҳромжон Раҳимбердиев. – Шунингдек, Меҳнат кодексининг 161-моддаси, иккинчи қисмининг иккинчи банди бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдиришга доир имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади деб белгиланган талабга амал қилинмаган. Боз устига, меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда ходим 2 ой аввал огоҳлантирилмаган, касаба уюшмаси розилиги олинмаган. Ушбу ҳолатлар ҳисобга олиниб, фуқаролик ишлари бўйича Учқўрғон туманлараро судининг қарорига асосан ҳар учала ходим ишга тикланди.

Суд қарори билан Ҳ.Жабборовга мажбурий бекор юрган кунлари учун 6 миллион 10 минг сўм, маънавий зарар учун компенсация 4 миллион 200 минг сўм, М.Жабборовга мажбурий бекор юрган кунлари учун 5 миллион 520 минг сўм, маънавий зарар учун компенсация 4 миллион сўм, О.Тошпўлатовга мажбурий бекор юрган кунлари учун 7 миллион 132 минг ҳамда маънавий зарар учун 5 миллион сўм ундириш белгиланди.

**Анваржон ҲАЛИМОВ**
*«ISHONCH»*

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган**

**12-11**

**қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га**

**мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.**



## БИР КУНДА 15 000 НАФАР ОДАМ УЧУН

### ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА БАРПО ЭТИЛАЁТГАН ТУННЕЛЬ ПИЁДАЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ БИЛАН КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

**Жиззах шаҳрида йўлсозлик соҳасини ривожлантиришга, йўлларни халқаро талаблар даражасига келтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳудудда барпо этилаётган замонавий йўл, йўл ўтказгич, кўприк, пиёдалар учун ер ости ва ер усти йўлаклари аҳолининг узоғини яқин, мушкулини осон қилиш баробарида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ўта муҳим омил вазифасини бажараётгани шубҳасиз.**

Ўтган йил апрелида давлатимиз раҳбарининг Жиззахга ташрифи давомида вилоят марказида яна иккита ер ости йўли қурилиши белгилаб берилган эди. Айни пайтда Жиззах шаҳрининг энг гавжум нуқталари – Марказий деҳқон бозори ва унинг атрофидаги Ҳамид Олимжон номидаги маҳалланинг Алишер Навоий ҳамда Ўзбекистон кўчалари кесишмасида, шунингдек, Ёшлар шаҳарчасидан «Наврўз» истироҳат боғига Ислом Каримов шоҳкўчасидан ўтувчи ҳудудларда шундай йўлларни барпо этиш ишлари бошлаб юборилган.

– Бу вазифани ўз муддатида бажариш учун иш икки навбатда ташкил этилган бўлиб, 60 дан ортиқ техника, 100 нафардан зиёд қурувчи-муҳандис астойдил меҳнат қилмоқда, – дейди Жиззах минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат муассасаси директори Шуҳрат Анорбоев. – Ҳар иккала туннелда ҳам котлован ковлаш, монолит бетон плиталари ётқизиш ишлари амалга оширилмоқда.

Айтиш лозимки, Марказий деҳқон бозори ва унинг атрофидаги объектларга бир кунда 15 мингдан ортиқ аҳоли келиб-кетади. Эрталаб соат 07.00 дан кеч соат 19.00 га қадар бозор атрофидаги чорраҳадан ўртача 7600-7700 та автомобиль ўтишини ҳисобга олсак, барпо этилаётган туннель пиёдалар учун қулайлиги ва хавфсизлиги билан катта аҳамият касб этади.

Мазкур ҳудуддаги ер ости ўтиш йўлагининг умумий қиймати 13 миллиард 344 миллион сўм. Бу ерда тўртта ер ости пиёдалар ўтиш йўлаги бунёд этилади. Туннелнинг биринчи ўтиш жойининг умумий узунлиги 73,68 метрни, иккинчисиники 69, учинчисиники 59,44 ва тўртинчисиники 50 метрни, эни 5,40, баландлиги 2,40 метрни ташкил этади.

Аҳамиятлиси, имконияти чекланган фуқаролар ногиронлик аравачаларида бемалол ҳаракатланишлари учун махсус йўлак барпо этиш кўзда тутилган. Ўзида замонавийлик ва миллийликни уйғунлаштирган мармар, гранит плиталар, мозаика услубидаги қурилишбоп безаклардан фойдаланилиши сўнгги технологиялар ва дизайнга ҳам алоҳида эътибор қаратилганидан далолат беради.

Йил сайин ортиб бораётган тирбандликларнинг олдини олиш мақсадида Ислом Каримов шоҳкўчасининг Ёшлар шаҳарчасидан «Наврўз» истироҳат боғига ўтиш жойида қурилаётган иккинчи, умумий ҳисобда Жиззах шаҳридаги бешинчи ер ости ўтиш йўли аҳоли хавфсизлигини таъминлашда айни муддао бўлади. Ушбу туннелнинг умумий узунлиги 33,50 метрни, ер ости йўлининг эни 4,50, баландлиги 3,10 метрни ташкил этади. Қурилишда энг сўнгги технологиялар асосида яратилган «Б – 95» блокларидан фойдаланилмоқда.

Ушбу «4К – 253» автомобиль йўлининг 4- ва 5-километри оралиғидаги ер ости ўтиш йўлагининг қурилиши жорий йилнинг илк кунлариданоқ бошлаб юборилди.



**Муқимбой ИСМОИЛОВ**
*«ISHONCH»*



**Юртимиз хотин-қизларининг муаммоларини босқичма-босқич ҳал этишда «Аёллар дафтари» юритилаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Умумхалқ ҳаракати даражасига кўтарилган бу тамойилнинг самараси сезиларли бўлмоқда. Миллионлаб опа-сингилларимиз кўрсатилаётган беғараз ёрдамлар натижасида моддий аҳволини ўнглаб, жамиятда ўз ўринларини топиб олишмоқда. Шунингдек, ҳуқуқий саводхонликларини ошириб, ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишни ўрганишмоқда. Буни улардан касаба уюшмаларига келиб тушаётган ариза ва шикоят хатлари кўпаяётганидан, мурожаатларнинг аксарияти узоқ вақт уйда ўтириб, жамиятдан ажралиб қолган хотин-қизларга тегишли эканлигидан ҳам билиш мумкин.**

# Хатлов якунланди, натижалар қандай?

– Аёллар муаммоси давлат сиёсатининг ажралмас қисми саналади, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси ўринбосари Акбар Абдусаидов. – Шу боис ушбу тизим такомиллаштирилиб, белгиланган манзилли чора-тадбирларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бундан кўзда тутилган мақсад бир жойда туриб қолиб депсинишларнинг ва қайтариқларнинг олдини олишдир. Мана, бир ойдирки, «маҳалла еттилиги» секторлари ишчи гуруҳлари ҳамкорлигида анкета-сўров ва уйма-уй юриш асосида аёлларнинг ижтимоий ва турмуш шароитлари ўрганилмоқда. Қолаверса, биз Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 10 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси фаолияти ҳамда «Аёллар дафтари» билан ишлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори ижросига астойдил киришганмиз. Шунга кўра, «Аёллар дафтари» қатор ўзгартиришлар билан бойитилди. Айни кезларда илк босқичда амалга оширилиши мўлжалланган ишлар поёнига етди. Аниқроғи, ишчи гуруҳ томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси (тоифаси) аниқланди. Эндиликда «Аёллар дафтари»нинг 6-босқичига киритиладиган хотин-қизлар рўйхатларини шакллантириш, «маҳалла еттилиги» томонидан ҳар бир аёлнинг индивидуал дастурларини ишлаб чиқиш тараддуди кўриляпти.

Жараён устидан кучли жамоатчилик назорати ўрнатилган. Чунончи, Самарқандда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Махмадалиев бошчилигида касаба уюшмалари вакиллари маҳалла ва хонадонлар миқёсида ўрганишлар олиб боришяпти. Шу асно «Хўш, илк натижа қандай? Бирор-бир аёл эътибордан четда қолиб кетмадими? Эртага улар томонидан эътирозлар билдирилмайдими?» деган саволлар ўртага ташланяпти.

Вилоятда ёши ўттиздан юқори 842965 нафар аёл билан мулоқот ўтказиш режалаштирилганди. Илк босқичдаги хонадонма-хонадон ўрганиш ва хатлов жараёнида 814421 нафар хотин-қизга тааллуқли анкета сўровномалари тўлдирилди. Аммо 4581 нафар аёл ички, 21328 нафари ташқи миграцияда бўлгани, 857 нафари касалхоналарда даволанаётгани, 1728 нафари уйида эмаслиги сабабли улар билан суҳбатлашиб, ушбу ҳужжатни расмийлаштириш имкони бўлмади.

Касаба уюшмалари бу борада мавҳумликлар келиб чиқиши олдини олиш ниятида барча масалаларга қатъий ойдинлик киритишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, ўтган давр мобайнида Самарқанд шаҳри, Иштихон, Оқдарё, Жомбой ва Тойлоқ туманларида сектор раҳбарлари ҳамда маҳалла еттиликлари томонидан адо этилаётган ишлар таҳлил қилиниб, амалий ёрдам кўрсатилди. Хонадонларда ўрганиш ишлари олиб борилди.

– Маҳалламизда яшовчи 5391 нафар аҳолининг 1180 нафарини ўттиз ёшдан ошган аёллар ташкил этади, – дейди Тойлоқ туманидаги Чароғбон МФЙ хотин-қизлар фаоли Муниса Воҳидова. – Хонадонларда бўлганимизда уларнинг айримлари уйида эмаслигини, турли юмушлар билан бошқа жойда юрганини эшитдик. Шу боис ҳозир маҳалла фуқаролар йиғини кўмагида уларни топиб, гаплашиш чораларини кўряпмиз. Илгари «Аёллар дафтари»га фақат йил бошидаги хатлов чоғи рўйхатга олинганлар киритилган бўлса, энди йилнинг турли пайтида тўсатдан юз берган ҳар хил вазиятлар туфайли қийин аҳволга тушиб қолган аёллар ҳеч бир истисносиз рўйхатга олиниши ва дафтарда кўзда тутилган ёрдамдан баҳраманд бўлишлари учун шароит яратяпмиз.

Ишчи гуруҳнинг галдаги вазифаси ишлаб чиқилган индивидуал дастурни такомиллаштириш ҳамда уни босқичма-босқич амалиётга татбиқ этишдан иборатдир.

**Нурилла ШАМСИЕВ**
*«ISHONCH»*

**Инсон ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом бўлсагина, унга ҳаётдаги ҳамма нарса татийди: мароқ билан ишлайди, оиласи, дўстлар даврасида ҳамиша хушкайфиятда бўлади. Иш жойида кераклигини, саломатлиги муҳимлигини ҳис этган ҳар бир ишчи ёки ходим, албатта, иш унумдорлигини оширишга интилади.**

# «ОКМК» АЖ санаторий-профилакторийси: КЕЧА ВА БУГУН

Айни пайтда республикамизда ишчи-ходимлар саломатлигини тиклашга хизмат қилувчи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфида бўлган кўплаб санаторийлар фаолият юритмоқда. Шу билан бир қаторда, ўз санаторий-профилакторийсига эга ташкилотлар ҳам борлиги меҳнаткашларни қувонтиради.

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖга тегишли санаторий-профилакторий, мана, 55 йилдирки, корхона ишчилари саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Салкам 5 гектар майдонда жойлашган санаторийда ҳозир бир ой давомида 400 нафардан зиёд ишчилар ва уларнинг оила аъзолари соғлиғини тиклайди.





### ТАРИХГА НАЗАР

Маълумотларга кўра, ушбу санаторий-профилакторий 1970 йилнинг 19 апрелида фойдаланишга топширилган. Ўша пайтда у фақат битта бинодан иборат бўлиб, атиги 100 ўринга мўлжалланган эди. 1983 йилда унинг атрофида яна бир нечта ёток корпуслари ва тиббиёт бинолари қурилди. Ўринлар сони эса, 215 тага оширилди. 1998 йилда бинонинг учинчи қаватида алоҳида «люкс» хоналар ҳам ташкил қилинди.

Бироқ йиллар ўтгани сайин иншоот янгиланишни талаб қиларди. Боиси, унда дам олиш истагини билдирганлар жуда кўп бўлиб, ускуналару муолажалар ҳам замон билан мослашиши зарур эди.

Шу сабабли 2019 йил августида санаторий тўлиқ капитал реконструкция қилиш учун ёпилди. У ерда хизмат қилувчи шифокор ва ҳамширалар ишсиз қолмади: улар комбинат заводларидаги турли тиббий хизмат кўрсатиш муассасаларига вақтинчалик жойлаштирилди.

### «ЯНГИЛАНГАН КЎРКАМ БИНОДА ИШЛАШ БОШҚАЧА»

Реконструкция жараёнида мавжуд барча бинолар тўлиқ таъмирланиб, баъзилари янгидан қурилди. Ҳар бир хонага ортопедик матрасли кўрпа-тўшаклар, шкафлар, телевизор, музлаткич, кондиционер жойлаштирилди, ошхонадаги жиҳозлар тўлиқ янгиланди. Даволаш хоналарига ҳам замонавий, янги тиббий асбоб-ускуналар олиб келинди. Натижада бино ичи ва ташқариси жуда кўркам, замонавий кўринишга келтирилди. 2021 йилнинг май ойида эса, санаторий тўлиқ фойдаланишга топширилди.

*– Мен салкам 20 йилдан буён шу ерда ишлайман,* – дейди ҳамшира Гўзал Ғозибекова. – *Ҳамширалик билан бирга, жамоатчилик асосида цех касаба уюшма қўмитаси раиси вазифасини бажараман. Ишимни, одамларни яхши кўраман. Аввалги шароитларда ҳам сидқидилдан хизмат қилганмиз. Лекин барибир янгиланган, кўркам бинода ишлаш бошқача. Қайси хонага кирсангиз, гўзаллик, шинамлик ва қулайликларни кўриб, баҳри дилингиз очилади. Бу бизни янада шижоат билан ишлашга ундайди.*

### МАҚСАД – ИШЧИЛАРНИ ДАВОЛАШ, СОҒЛОМЛАШТИРИШ

*– Комбинатда ишчилар зарарли омиллар ичида ишлашади,* – дейди бош шифокор Марина Сухенко. – *Санаторий-профилакторийнинг асосий мақсади – сурункали касалликларнинг профилактик даволанишига муҳтож бўлган завод ишчилари ва уларнинг оила аъзолари соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Ҳозир санаторийда 80 нафар ходим фаолият юритади. Уларнинг 7 нафари малакали шифокор, 30 нафарга яқини ҳамшира, қолганлари бошқа мутахассислар.*

*Бир ойда икки марта даволанувчи ва дам олувчиларни қабул қиламиз. Ойига 400 нафардан зиёд ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзолари турли муолажалар олишади. Уларни 14 кунлик минерал сув ваннаси, балчиқ, физиотерапия, нафас йўллари муолажаси, турли массажлар, туз ғори каби усулларда даволаш билан бирга, маданий ҳордиқ олишлари учун ҳам барча шароитлар муҳайё қилинган.*

Бош шифокорнинг айтишича, янги сузиш ҳавзаси, фин саунаси, турк ҳаммоми ва кичик ҳовуз ҳам уларга манзур бўлмоқда. Айниқса, 180 ўринли ошхонанинг шундоққина томида ташкил этилган спорт майдончаси дам олувчиларнинг севимли масканига айланган.

### «МЕНИ БУ ЕРГА ТУРМУШ ЎРТОҒИМ ЮБОРДИ»

Олмалиқ шаҳар, «Чодак» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Муҳаббат Норматова бир неча йилдан буён полиартрит касали билан оғрийди. Унинг турмуш ўртоғи комбинатда узоқ йиллар ишлаган фахрийлардан. Санаторийга жойлашганига уч кун бўлган Муҳаббат опа бизга шундай деди:

*– Ёшликда танангиз кучли бўлгани учун ўзингизни эҳтиёт қилишингиз зарурлиги ҳақида қайғурмас экансиз. Аммо ёш улғайгач, тана кучсизланиб, барча дардлар бўй кўрсатар экан. Мен ҳам зах туфайли суяк касаллигини орттирганман. Йилдан-йилга бўғимларимда оғриқлар кучаяверди. Ниҳоят, турмуш ўртоғим мени мана шу санаторийга юборди. Келганимга уч кун бўлган бўлса, балчиқ ва электр токли массаж туфайли оғриқларим анча камайди. Айниқса, ҳамшираларнинг ширин каломларидан кўнглим тоғдек кўтариляпти, ҳаммаларига катта раҳмат!*

Хулоса қилиб айтганда, бугун «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг санаторий-профилакторийсига бошқа соҳаларда ишлаётганлар ҳам ҳавас қилишади, ўша ерда бир бор дам олгиси келади. Замонавий ва кўркам, ҳудуди ўзига хос ландшафт дизайнига эга, ранг-баранг чироқли ажойиб фаввора, бежирим ўриндиқлар ва чор-атрофида кўплаб дарахтлар ўсаётган ушбу муассаса хизматчилари комбинат ишчиларининг оғирини енгил қилишаётганидан мамнундирлар.

**Холида ЭГАМБЕРДИЕВА**
*«ISHONCH»*



# Билим ва тажрибалар синови

**Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида икки йилдан буён ўтказиб келинаётган «Заковат» турнирининг бу йилгисида устозлар ва талабалар муносиб қатнашишди. Билимдонлик ва жамоавий ишлаш қобилиятини намойиш этиб, кўплаб рақобатчиларни ортда қолдиришди.**

Турнирда академия, Тошкент давлат юридик университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, адвокатлар жамоасидан иборат 16 та гуруҳ иштирок этди. Натижаларга кўра, Ал-Фарғоний жамоаси 1-ўринни, «Лидерлар» 2-ўринни, «Дўстлар» 3-ўринни эгаллади.

Интеллектуал беллашувлар иштирокчиларнинг билим ва тажрибаларини синовдан ўтказиш, уларнинг салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

**Навбаҳор ЭШПЎЛАТОВА,**
*Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси Ёшлар масалалари ва маънавият-маърифат бўлими услубчиси*

# Қайта ишонч билдирилди

**Учтепа туманидаги 14-мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди. Унда сўнгги беш йиллик фаолият ҳақида касаба уюшма қўмитаси раисининг ҳисоботи тингланди.**

Маърузачи ҳисобот даврида 15 нафар ходим моддий кўмак олгани, 25 нафари ва оила аъзолари санаторий, дам олиш уйларида имтиёзли соғломлаштирилгани, 115 нафарига концерт дастурларига, 25 нафарига театрларга, 55 нафарига музейларга чипталар олиб берилганини айтиб ўтди.

Йиғилишда мактаб касаба уюшма қўмитаси аъзолари сайлаб олинди. Қўмита раислигига кўпчилик овоз билан Раъно Акрамхўжаева номзоди муносиб кўрилди. Шунингдек, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Учтепа тумани кенгаши конференциясига делегат ҳам сайланди.

– Тадбирда касаба уюшма қўмитамизнинг фаолиятига муносиб баҳо берилди. Бунинг натижасини қўмитамиз раисининг ўзи қайта сайланганидан ҳам билса бўлади. Умуман олганда, сайлов натижалари ходимларнинг касаба уюшмасига юксак ишончини англатди, десам, ҳақ сўзни айтган бўламан, – деди ўқитувчи Малика Абдуллаева.

– Йиғилишга тармоқ бошланғич ташкилотлари касаба уюшма қўмиталари раислари, фаоллари ҳам таклиф этилган. Уларга ўз ташкилот ва муассасаларида ҳисобот-сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш юзасидан тавсиялар берилиб, мавзуга оид тарқатма материаллар улашилди, – деди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Учтепа тумани кенгаши раиси Севара Эрматова.

Йиғилишда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Абдуҳалил Раҳмонов қатнашди.

**Комила БОЙМУРОДОВА**
*«ISHONCH»*

# Оламда бугун



## Си Цзиньпин Москвага боради

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 9 май куни Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллигини нишонлаш маросимида қатнашиш таклифини қабул қилди. Бу ҳақда Россиянинг Хитойдаги элчиси Игорь Моргулов хабар берди.

«Бу – муносабатларимиздаги яхши анъана», деди элчи. Унинг сўзларига кўра, Си Цзиньпин, шунингдек, Россия президенти Владимир Путинни Хитойга, сентябрь ойида японларга қарши Хитой халқи ғалабасининг 80 йиллигига бағишланган тадбирларда иштирок этиш учун таклиф қилган.

## Эрон санкциялар остидаги музокаралардан бош тортди

Эрон ташқи ишлар вазири Аббос Арокчи Теҳрон санкциялар босими остида Вашингтон билан ядровий дастурни муҳокама қилиш ниятида эмаслигини маълум қилди.

«Камситувчи музокара мулоқот эмас, таслим бўлишдир. Биз ҳеч қачон бундай шартларга рози бўлмаймиз», деди вазир.

Арокчининг таъкидлашича, АҚШ бир неча бор ўзаро ҳар томонлама ҳаракатлар режаси бўйича келишувларни бузган, бу эса ҳар қандай мулоқотни маъносиз қилиб қўяди. Теҳрон санкцияларга қарши ички иқтисодиётни ривожлантириш ва халқаро ҳамкорлик орқали курашишни давом эттиради.






## Эрдўғон АҚШнинг

Туркия президенти Ражаб Тойййиб Эрдўғон Малайзияга учиб кетишидан олдин Отатурк аэропортида матбуот анжумани ўтказди. У Дональд Трампнинг Ғазо сектори аҳолисини қўшни араб давлатларига кўчириш такли-

## Маск АҚШ радиостанцияларини ёпишга чақирди

Илон Маск «Америка овози» ва «Озодлик радиоси» каби АҚШ бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган радиостанцияларни ёпишни таклиф қилди.

У ижтимоий тармоқда президентнинг махсус вакили Ричард Гренелнинг мазкур ОАВ ўз аҳамиятини йўқотгани ҳақидаги баёнотига изоҳ берди.

«Ҳа, ёпинг уларни. Бу жудаям қиммат, йилига АҚШ солиқ тўловчилар чўнтагидан олинаётган 1 миллиард долларнинг кулини кўкка совурадиган, ўзлари билан ўзлари гаплашиб ётган аҳмоқ сўл радикаллар гуруҳи», деб ёзди Маск.

Шубҳа ҳақиқатга олиб борувчи йўлдир. Ким шубҳаланмас экан, ҳеч нарсани кўра олмайди.
Кўришдан маҳрум одам эса тушунолмайди. Тушунишдан маҳрум кимса мисоли сўқир каби йўлдан адашади.

*Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий*



**Жиззахда пора билан ушланган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимига суд ҳукми ўқилди. Ушбу жиноятни содир этган Шароф Рашидов тумани ички ишлар бўлими вақтинча сақлаш ҳибсхонаси бошлиғи К.С.га олти ярим йил озодликдан маҳрум қилиш ва икки ярим йил ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ишлашни тақиқлаш жазоси берилди.**

# Ҳибсхона бошлиғи озодликдан маҳрум



Пора олиш, пора бериш жиноятнинг оғир тури бўлиб, у одамларнинг давлатга, ҳокимиятга ишончини синдиради, жамиятни таназзулга олиб келади. Бироқ кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш кучайганига қарамасдан, пора бериш ва пора олиш билан боғлиқ жиноятлар сони ортиб бораётгани, энг ачинарлиси, хизмат вазифаси ушбу иллатга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан ҳам содир этилаётгани жамоатчиликда жиддий ташвиш уйғотаётир.

Пора ноқонуний ишни амалга ошириш учун амалдорга берилади. Шароф Рашидов тумани ички ишлар бўлими вақтинча сақлаш ҳибсхонаси бошлиғи К.С. ҳам фуқарога ғайриқонуний ишни бажариб бериши учун ундан пора олганди.

Амалдаги қонунчиликка кўра, айбланувчи сифатида терговга жалб қилиниб, «қамоққа олиш» тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларнинг яқинлари билан учрашувлари ва уларга озиқ-овқат маҳсулотлари ёки бошқа буюмларнинг киритилиши мазкур жиноят ишини юритаётган терговчи ва суднинг рухсати билан амалга оширилади. Албатта, қонуннинг бу талабларини ҳибсхона бошлиғи К.С. ҳам яхши билган. Касби ҳуқуқ ҳимоячиси бўлган, эллик ёшни қоралаган одам бу тартибни билмаслиги мумкин эмас.

Аммо, орада балои нафс, пул, пора борлиги учун К.С. ҳибсда сақланаётган шахснинг илтимоси хизмат ваколатига кирмаслигини тушунтириш ўрнига уни бажаришга киришди. Жумладан, 400 АҚШ доллари миқдорида пора эвазига вақтинча ҳибсда сақланаётган Л.М.га яқин қариндошлари билан учрашувга ва озиқ-овқат маҳсулотлари киритилишига шароит яратиб беришни ваъда қилди.

Албатта, ҳибсхона бошлиғи К.С.нинг жинояти фақат 400 АҚШ доллари эвазига вақтинча ҳибсда сақланаётган шахснинг яқинлари билан ғайриқонуний учрашувларга имконият яратиб бериш, ичкарига озиқ-овқат, дори-дармон, пул ва бошқа нарсаларни киритишнинг ўзигина эмасди.

У ҳибсда сақланаётган шахсга таниш адвокатлари борлиги, судья билан гаплашиб, жазони енгиллаштириб бериш мумкинлигини ҳам таклиф қилди. Танишлари 5000 АҚШ долларига кўнмаётгани сабабли хизмат ҳақи 10 000 АҚШ доллари бўлишини айтди.

Тезроқ озодликка чиқиб, оиласи бағрига қайтишни ким ҳам истамайди, дейсиз? Ҳибсда сақланаётган Л.М. ҳам бу таклифга рози бўлиб, турмуш ўртоғига 5000 АҚШ долларини тайёрлаб қўйишни айтади.

Аммо ДХХ томонидан ўтказилган тезкор тадбир туфайли қинғир иш охирига етмади. Тергов ва суд муҳокамалари жараёнида ҳибсхона бошлиғи К.С.нинг ғайриқонуний ҳаракатлари ўз исботини топди.

Одил суд К.С.нинг жиноий фаолиятига чек қўйди. Энди содир этган қинғир қилмиши ҳақида ўйлаши, чуқур мулоҳаза қилиши, тўғри хулоса чиқариши учун етарли вақти бор.

Шу ўринда давлатимиз томонидан коррупцияга қарши олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамай, порахўрлик иллати камаймаётгани кишини ўйга солади. Бу жиноятга қарши курашда нафси бузуқ амалдорларни фош қилиб, жазолашнинг ўзигина етарли эмаслиги тобора сезилиб қолмоқда. Чунки пора олувчига яраша берувчилар ҳам бор. Шунинг учун жамиятнинг барча аъзоларида жиноятга қўл урмаслик, пора бермаслик, қонунни бузмаслик тафаккури шаклланиши керак. Шунда жамиятимизда адолат, ҳалоллик қарор топади.

**Собир СОДИҚОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Фориш тумани суди раиси*

# Ишловчи пенсионерга меҳнат таътили олишда имтиёз борми?

**САВОЛ: Ишловчи пенсионерлар ҳар йилги меҳнат таътилига чиқадиган бўлса, давомийлиги узайтирилган ёки бошқа турдаги имтиёзи бор бўлган меҳнат таътили олишга талабгор бўлиши мумкинми?**

**Гули МАНСУРОВА**
*Учтепа тумани*

**ЖАВОБ:** Меҳнат кодексида иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси асосида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимлар учун таътилларнинг қуйидаги турлари назарда тутилган: ҳар йилги меҳнат таътили, ижтимоий таътиллар, иш ҳақи қисман сақланадиган таътил ва иш ҳақи сақланмайдиган таътил.

Ҳар йилги асосий энг кам меҳнат таътилининг давомийлиги йигирма бир календарь кунини ташкил этади.

Меҳнат қонунчилигига мувофиқ ходимнинг ёши ва соғлиғининг ҳолати ҳисобга олинган ҳолда ҳар йилги асосий узайтирилган таътил ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларга ўттиз календарь кунидан иборат ҳолда берилади.

Булардан ташқари, мазкур кодексда ходимларга қўшимча таътиллар бериш ҳам белгиланган бўлиб, меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ёки ноқулай табиий-иқлим шароитларида иш бажараётган ёхуд битта ташкилотда ёки тармоқда кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимлар қўшимча таътил олиш ҳуқуқига эга бўла оладилар.

Юқорида баён этилганлардан кўринадики, ишловчи пенсионерлар учун давомийлиги узайтирилган ёки бошқа турдаги имтиёзли таътиллар қонунчиликда алоҳида белгиланмаган.

Лекин, таъкидлаш жоизки, қонунчиликда белгиланганларидан ташқари, ҳар йилги асосий узайтирилган таътиллар бериш, шунингдек, ҳар йилги асосий узайтирилган таътилнинг давомийлигини унинг қонунчилик билан кафолатланган давомийлигига нисбатан кўпайтириш жамоа келишувларида, жамоа шартномасида, ички ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилиши мумкин.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**



# БИЗ БОЛАЖОН ХАЛҚМИЗ(МИ?)

**Эсимни танибманки, шу ибора бот-бот қулоғимга чалинади: «Ўзбеклар болажон халқ». Тарихчилар таъкидича, бу ибора XX асрда пайдо бўлган. Яна ҳам аниқроқ айтганда, Иккинчи жаҳон уруши даврида бошқа миллат вакиллари бизга шундай таъриф беришган. Бир жиҳатдан унда жон бор. Чунки қирғинбарот йилларида бошқа иттифоқдош республикалардан вагон-вагон болалар юртимизга олиб келиниб, оилаларга тарқатилгани, Меҳрибонлик уйларига жойлаштирилгани барчага маълум.**

Маълумотларга кўра, ўша кезлар мамлакатимизга 200 минг нафарга яқин бола келтирилган. Тошкентлик темирчи уста Шоаҳмад Шомаҳмудовлар оиласи 14 нафар турли миллат фарзандларини асраб олгани ҳам тарихий далил.

Демак, бизни «болажон халқ» дейишга асослар етарли.

Аммо бугун-чи? Ҳали ҳам «болажон халқ»мизми?

> ДЕЯРЛИ ҲАР КУНИ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА ТАРҚАЛАЁТГАН БОЛАЛАРГА ВАҲШИЙЛИКЛАРГА ОИД ХАБАРЛАРНИ ЎҚИБ, ВИДЕОЛАРНИ КЎРИБ, БУНГА ШУБҲА УЙҒОНЯПТИ… АФСУС, ДАҲШАТЛИ ХАБАРЛАРНИ КУНДА-КУНОРА ЭШИТЯПМИЗ. ИНТЕРНЕТГА «БОЛАСИНИ ЎЛДИРГАН ОТА ЁКИ ОНА» ДЕБ ҚИДИРУВ БЕРИНГ, БУНГА ЎЗИНГИЗ ҲАМ ШОҲИД БЎЛАСИЗ.

Хўш, нега бундай аҳволга тушиб қолдик? Бир пайтлар бегона боланинг бошини силаган халқ нега бугун ўз фарзандига ҳам меҳр бера олмаяпти? Ўша болажон халқ қаерга кетди?

Тирикчилик, етишмовчилик, деб ҳолатни хаспўшлашга асло ҳожат йўқ. Уруш йилларида тирикчилик бундан-да қийин эмасмиди? Шомаҳмудовларнинг турмуш даражаси ҳозиргидан ўн чандон, юз чандон оғирмасмиди? Ахир у пайтлар бир бурда нон ҳам анқонинг уруғи эди-ку! Лекин ана шундай оғир вазиятда ҳам юртдошларимиз инсонийлик фазилатларини сақлаб қолган. Ўз зиммасидаги масъулиятини бир зум бўлса-да, унутмаган. Бизнинг ҳозирги аҳволга тушиб қолишимизнинг эса бошқа объектив ва субъектив сабаблари бор.

Биринчидан, кўпчилигимизнинг асосий мақсадимиз пул топиш бўлиб қолди. Интеллектуал салоҳиятимиз, савиямиз тобора пасайиб, фақат ейиш-ичиш, кийиниш, юриш-туриш билан андармон бўлиб қолдик. Зурриёдларимиз тарбияси билан деярли шуғулланмай қўйдик. Уларнинг моддий таъминоти муҳим деб ўйлайдиган бўлдик. Иккинчидан, ўғил-қизларимиз келажаги биз учун у қадар долзарб аҳамиятга эга ҳисобланмаяпти. Учинчидан, аксариятимизда болаларга инвестиция киритиш кўникмаси шаклланмаган. Тўртинчидан, фарзандларимизнинг фикри билан умуман қизиқмаймиз, уни инобатга олмаймиз. Бешинчидан, уларни ҳар доим қаттиқ назорат остида ушлаб туришга ҳаракат қиламиз. Олтинчидан, болаларга паст назар билан қараймиз. Еттинчидан, ўзимиз етолмаган мақсадларимиз, армонларимизни фарзандларимизда кўришни истаб, ўзлари хоҳламаган ёки қизиқмаган ишларга мажбурлаймиз. Саккизинчидан, дилбандларимизга китоб олиб бериб, ўқиши учун шароит яратиб беришга оғринамиз, лекин эл-юрт олдида сохта обрў орттириш учун дабдабали маросимлар уюштирамиз. Туғуруқхонадан чақалоқни карнай-сурнай билан олиб чиқамиз. Суннат тўйларда кичкинтойни тахти равонга ўтқазиб, тўрт кишилашиб, кўтариб юрамиз. Тўй овозаси етти маҳаллага, ижтимоий тармоқлар орқали бутун жаҳонга кетади. Аммо унинг ортидан келган қарзларни тўлаш машмашаси оила нотинчлигига сабаб бўлишига, энг ёмони, руҳий зарбалар, пичоқ ишга тушишигача олиб келишини ўйламаймиз.

> БИЗ ЯҚИН-ЯҚИНГАЧА БОЛАГА АСОСАН ДАСТЁР СИФАТИДА ҚАРАБ КЕЛГАНМИЗ. БОЛАЖОН ХАЛҚ ФАРЗАНДИГА, АВВАЛО, МЕҲР БЕРАДИ. ҲАР ҚАНДАЙ ВАЗИЯТДА УНГА ШАФҚАТСИЗЛИК ҚИЛМАЙДИ, БИЛЪАКС, ТАРБИЯСИ, ЭРТАНГИ КУНИ ҲАҚИДА ЖИДДИЙ ҚАЙҒУРАДИ.

Хуллас, бундай фикр-мулоҳазаларни яна истаганча келтириш мумкин. Бу ўринда ишдан ҳар куни ярим тунда чиқадиган давлат амалдори, кредитга ботиб, пул топишдан бошқа ташвишни ўйлашга вақти ва имкони йўқ ишчилар, эрта турмушга берилаётган қизлар билан боғлиқ ҳолатларни, қайнона-келин муносабатлари ёки оила аъзолари ўртасидаги келишмовчиликлар ҳам болаларга босим ўтказишга, аламини норасидалардан олишга олиб келаётганини ҳам унутмаслик керак.

Табиийки, бу масалаларнинг илдизи жоҳиллик ва илмсизликка бориб тақалади. Зеро, инсон ўзининг маънавий-ахлоқий тафаккур даражасини бойитиб ва такомиллаштириб бормас экан, салбий оқибатлар кўпаяверади.

Уларга йўл қолдирмасликнинг асосий омили – илм олиш, ўрганиш, изланиш, ўз устида ишлаш, фарзандларимизни ҳам шунга ўргатишдир. Негаки, нажот – илмда!

Хўш, бу ҳақда сиз қандай фикрдасиз?



**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ**
*«ISHONCH»*

## Ғазо бўйича таклифини қоралади

фини рад этар экан, ҳеч ким ғазоликларни ўзининг абадий ва минг йиллик ватанидан сиқиб чиқара олмаслигини таъкидлади.

«Назаримизда, АҚШнинг янги маъмурияти томонидан сиончи элита босими остида илгари сурилган таклифлар муҳокамага арзимайди. Бу – Ғазодаги вазиятни янада мураккаблаштиришга уринишдан бошқа нарса эмас», деди Эрдўғон.

Эрдўғон Туркия фаластинликларнинг ўз ҳудудларини бошқариш ҳуқуқини қўллаб-қувватлашини ва ҳар қандай кўчириш таклифларини қабул қилмаслигини таъкидлади.



## Толибон БМТ ходимларини соқол қўйишга мажбурламоқда

Толибон ҳаракатининг «Ислом ахлоқи ва фазилатлар департаменти» Афғонистондаги БМТ ходимларига соқол қўйишни буюрди. Буйруққа бўйсунмаганларга қамоқ жазоси қўлланиши мумкин.

Бундан аввал толиблар БМТ ваколатхоналарида аёлларнинг ишлашини тақиқлаган эди. Шунингдек, 2021 йилдан буён Афғонистонда жамоат жойларида соқол олиш ва мусиқа эшитиш тақиқланган.

Германиянинг Bild газетаси маълумотига кўра, ушбу чоралар мамлакат аҳолиси хатти-ҳаракатларини назорат қилишни кучайтириш сиёсатининг бир қисми ҳисобланади.

## Ядровий қурол ҳақидаги фатво бекор қилиниши керак

Ислом инқилоби қўриқчилари корпуси қўмондонлиги Эрон Олий диний раҳбари оятуллоҳ Сайид Али Хоманеийдан ядровий қуролдан фойдаланишни тақиқловчи фатвони қайта кўриб чиқишни сўради.



Эрон матбуоти маълумотига кўра, бунга АҚШда Дональд Трамп президент бўлиб сайланганидан сўнг таҳдидлар кучайиб кетгани сабаб бўлган. ИИҚК вакиллари бундан Эроннинг стратегик қурол олиши учун «сўнгги имконият» сифатида фойдаланиш зарурлигини таъкидлашмоқда.

Ядровий қуролга қарши фатво 2005 йилда чиқарилган бўлиб, шу вақтдан бери асосий тийиб турувчи омил бўлиб келмоқда. Илгарироқ Эрон президенти Масъуд Пезешкиён мамлакат ядровий арсенал яратиш ниятида эмаслигини билдирган эди.



## Қозоғистон ва Хитой СИ лабораториясини яратади

Қозоғистон Миллий фанлар академияси Чжэцзян технология университети билан Халқаро сунъий интеллект лабораториясини ташкил этиш бўйича меморандум имзолади.

Лойиҳанинг мақсади сув ресурсларини мониторинг қилиш, табиий офатларни олдиндан аниқлаш ва энергетика тизимларини оптималлаштириш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат. Лаборатория геоахборот тизимлари ва прогнозлаш моделларини ривожлантириш йўналишидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиради.

Қозоғистонда, шунингдек, инсон назоратидан холи бўлган автоном тизимларни яратишни тақиқловчи сунъий интеллект тўғрисидаги қонун қабул қилиниши режалаштирилган.

**Оламгир ОТАЁР**
*тайёрлади*

*Мен кўп жойларни кездим ва олам аҳволига қарадим. Унда ҳайронлик иягига тировчидан ёки пушаймонлик бармоғини тишлаб турувчидан бошқани кўрмадим.*

*Абу Али ибн Сино*

2025-YIL 11-FEVRAL
SESHANBA
№ 19 (5083)

# ҚАФАСДАН ҚУТУЛГАН ҚУШ

**Яқинда тиббиёт фанлари доктори, профессор Жуманазар Бекназарнинг «Буюк Сино» романини ўқиб чиқдим. Бу асардан саноқли ўқувчилар хабардор бўлса керак. Чунки китоб 2020 йили «Янги аср авлоди» нашриётида бор-йўғи 500 нусхада чоп этилган.**

**Тўғриси, улуғ аллома Ибн Сино ҳақида бугунги авлодлар айтарли даражада билмайди. У Бухоронинг Афшона қишлоғида туғилгани-ю, тиббиёт асосчиси бўлганини ва қувғинда яшаганини билишади, холос. Чунки шу пайтга қадар грузин адибаси Людмила Салдадзе, рус ёзувчиси Вера Смирнова-Ракитина ҳамда ўзбек адабиёти намояндаларидан Миркарим Осим, Мақсуд Қориев ва Абдулла Орипов ўз асарларида буюк сиймо образини яратишган. Жуманазар Бекназарнинг янги романида эса талқин, шакл ва маълумотлар бутунлай ўзгача. Муаллифнинг тиббиёт ходими экани Ибн Сино яратган кашфиётларни ўқувчига етказишда жуда қўл келган. Буни китобни ўқиш жараёнида ҳис этиш мумкин.**

**Шайх-ул-раис, яъни донишмандлар сардори, дея эътироф этилган Ибн Сино тўққиз ёшида Қуръони Каримни ёд олиб, ҳофизи Каломуллоҳ бўлган. У тафсир, ҳадис, ақоид, фиқҳ, мантиқ каби илмларни пухта ўрганган.**




### ДАРБАДАРЛИКДА КЕЧГАН УМР

Ибн Сино яшаган давр оғир эди. Подшоҳлар, вазирлар орасида илмга хайрихоҳ, маънавият пешволарини қўллаб-қувватловчи амалдорлар кам бўлган. Йўқса, улуғ бобомиз ўз юртидан чиқиб кетармиди?

Бухоро, Гурганж, Ҳирот, Журжон, Қазвин, Исфаҳон, Ҳамадон, Тус, Шекан, Самникон, Деҳистон каби шаҳарлар ўртасидаги дала-даштлар, саҳроларда от ёки туяда дарбадар кезганда, унга яхши одамлар ҳамроҳ бўлди.

У қаерда бўлмасин, туғилган юртини соғинади. «Юракни соғинч ўртар... Тақдир шамоли яна қай юртларга элтар, билмасмен. Муштипар волидам Ситорабону, отам Абдуллоҳ ибн Аян, қадрдон қишлоғим Афшона кўз олдимдан кетмайдур. Барчасини аниқ кўрмоқдамен! Шу гўзал ва ром қилувчи манзарани яна ҳам аниқ ва тиниқ кўрмоқ истаймен... Ана қишлоғимнинг кунчиқар тарафинда ажиб жилва қилиб, турфа рангда товланаётган чаманзор ичиндамен. Чечакларнинг маст қилувчи иси димоғимни қитиқлайдур...» дейди асар қаҳрамони.

### БЕНАЗИР СИЙМОЛАР

Китобда жуда кўплаб тарихий шахслар тилга олинган. Ибн Сино устозлик мақомидаги шахсларга ҳавас ва ҳурмат билан қараган: «Илмда менинг ҳам худди шу тўлқинлар каби ҳайбатим бўлармикан? Илм – илм учун бўлмаслиги, у асрлар оша саломатликни асраш йўлида одамларга хизмат қилиши керак. Бу олий савоб эрур! Бу юмушни кўнгил истар даражасинда бажармоқ учун, энг аввало, Абу Райҳон Беруний, Абу Саҳл Масиҳий сингари алломаларнинг илм хазинасидан имкон қадар кўпроқ баҳраманд бўлмоғим шарт».

«Қобуснома» асари муаллифи Қобус ибн Вушмагир Ибн Синога кўп эътибор қаратган. Китобда Абу Муҳаммад Шерозий, Абулҳусайн ал-Арузий, Абу Бакр ал-Барқий, Ал-Қумра, Искафий, Ибн Зайд-Маъсумий каби қатор тарихий сиймолар ҳақида ҳам сўз юритилганки, романда аллома сиймосини тўлдириб туради. Айниқса, Абу Райҳон Берунийга алоҳида урғу берилган.

Ибн Сино туш кўради. Тушида Абу Райҳон Беруний уни ўз олдига чорлаб, «Ёзишмаларимиз алломалар орасинда тарқалиб, анча баҳсларга сабаб бўлганини билармизу, ўзимиз эса илм тўғрисида арзирли суҳбат қурмоқ иштиёқдадурмиз. Ниятларим юксак, фақат қалбим сен бирлан ҳамкорликда илм бирла машғул бўлмоқни истайдур», дейди.

### КАШФИЁТЛАРНИНГ ТАКРОРИЙ ЭГАЛАРИ

Одатда, тиббиёт дарсликларида қайси касалликнинг давоси ким томонидан ва қаерда топилган бўлса, ўша муаллиф номи тилга олинади. Агар сиз ушбу китобда Ибн Сино яратган кашфиётлар ҳақидаги асосли ва таҳлилий манбалар билан танишсангиз, ҳайратланасиз. Жуманазар Бекназар буюк аллома беморларни даволашда, аввало, мантиққа таянганини ҳам тилга олади. Орадан неча асрлар ўтиб, Ибн Синонинг даволаш усулини қайта кашф этганлар тарихга муҳрланганидан, аммо алломанинг номи эса тилга олинмаганидан куюнади.

– Камина тиббиёт институтида 30 йилдан буён дарс бераман, – деб ёзади ушбу китоб тақризчиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Зарифбой Ибодуллаев. – «Тиббиёт психологияси» фани бўйича талабаларга маърузамни тугатиб, «Саволлар борми?» деб юзландим. Шунда талабалардан бири «Устоз, улуғ бобомиз тиббиётнинг барча соҳасида оламшумул кашфиётлар қилган дедингиз, бироқ нега улар дарсликларда акс этмаган? Нега фақат Ғарб олимларини ўқиймиз?», деб савол берди. Бу талабанинг ўринли саволларига «Буюк Сино» романидан жавоб топиш мумкин».

Бош мия фаолияти бўйича илмий ишлар қилиб, ном қозонган австриялик врач ва анатом Франц Галл (1758-1828) Ибн Сино ишларидан бехабармиди? Албатта, хабари бўлган. Ёки бўлмаса, жаҳон неврологияси асосчиси Жан Мартен Шарко (1825-1893), тиббиёт психологияси асосчиси Эрнст Кречмер (1888-1964), психоматик тиббиёт асосчиси Франц Александр (1891-1964) ва бошқалар ўз илмий изланишларида Ибн Сино манбаларидан фойдаланишган бўлишса-да, аммо унинг номини тилга олишмаган.

Кўриниб турибдики, бундан буён бу борада юртимиз тиббиёт илми аҳли ўз ташаббуслари билан чиқиб, бор ҳақиқатни бaралла айтишлари лозим.

### ТИМСОЛЛАРДА НИМА АКС ЭТГАН?

Асарда Ибн Синога раҳнамолик қилган Маҳмуд Ғазнавий ҳақида бир неча бор тўхталиб ўтилган. Маълумки, Абулқосим Маҳмуд Ибн Сабуктегин Ғазнавий (967-1030) маърифатпарвар ва халқпарвар шахс эди. Унинг саройида жуда кўплаб илм ва ижод аҳли рўшнолик кўрган. Маҳмуд Ғазнавий Ибн Синога бир неча марта чопарлар юборади. Ўша вақтдаги подшоҳлар ўртасидаги зиддиятлар сабабли Ибн Сино бир жойда муқим туролмаган. Ал-Беруний Ибн Синога ёзган мактубида Маҳмуд Ғазнавий уни кўришни истаётганини, унинг саройида 400 дан ортиқ олим ва ижодкор маош олиб, ижод қилаётганини баён қилади.

Ғазнавий Ибн Сино асарларини ўқиб, қуйидаги мулоҳазаларини билдиради: «Қушлар – олимлар, қафас – бизнинг салтанатимиз. Қафасдан, асирликдан қутулган қуш – бу Ибн Сино».

### 500 ТА КАМ...

Асар учун муаллиф жуда кўп маълумотлар тўплаган. Биз турли анжуманларда хорижлик экспертларнинг аниқ таклиф берилмаган умумий фикрларини кўп эшитамиз. Аммо бу маърузалар бизга нима беради, буни ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Улар бизга дунёнинг ривожланган давлати вакили сифатида кўз-кўз қилинади, шуниси муҳим...

Аслида, «Авиценна» номи билан жаҳонга машҳур бўлган Абу Али Ибн Сино ўз кашфиётлари билан дунё тиббиётининг асосини яратиб кетган. Бу тарихий ҳақиқатни эслатиб туриш керак.

Кам сонли китоб дўконларида жавонларни тўлдириб турган «семиз», аммо мазмунан саёз, адади каттагина китоблар ҳам кўп. Лекин жуда катта меҳнат маҳсули бўлмиш Жуманазар Бекназарнинг «Буюк Сино» романи бор-йўғи 500 дона чиқарилган, қайта нашр этишга ҳеч бир ношир ташаббус кўрсатмаган.

Яқинда бўлиб ўтган матбуот анжуманларидан бирида Ўзбекистон кинематография агентлиги раҳбари Шуҳрат Ризаев тарихий мавзуларда 54 та фильм суратга олиниши режалаштирилаётганини айтди. Умид қиламизки, яқин йилларда буюк бобокалонимиз ҳақида ҳам ҳар жиҳатдан мукаммал фильм ишланади.

Сўзимиз сўнгида 300 дан ортиқ илмий мақолалар ҳамда 10 дан ортиқ бадиий асарлар муаллифи Жуманазар Бекназарга ижодий баркамоллик тилаймиз ва ундан янги асарлар кутиб қоламиз.



**Ўлжабой ҚАРШИБОЙ,**
*журналист*

# СТАЛИН «КУШХОНАСИ»ДАН ТИРИК ЧИҚҚАН ОТАЖОН

**1938 йил 12 март. Бу сана 12 яшар бола хотирасига бир умрга муҳрланиб қолди. Отадан айрилиш қисмати ёш Отажонга худди ўшанда соя солганди. Унинг отасини қирқ олти ёшида Урганч ҳудудида «халқ душмани» тамғаси остида отиб ташлаб, бор мол-мулкини тортиб олишади.**



Архив




Орадан 12 йил ўтгач, 12 яшар бола куч-қувватга тўлган забардаст йигитга айланди. Ва ўшанда, яъни 1950 йили Отажон Полвоновнинг ҳаётини қора булут қоплади. У 19 июнда отувга ҳукм қилинди. Бунгача кўрилган азоб-уқубатлар силласини қуритди. Аввалига «айби»ни бўйнига олмагани учун ҳолдан тойгунча уришди. Сув тўла бетон ҳовузга ташлашди. Битта ҳужжатга қўл қўйишдан бош тортгани учун резина қопга тиқишди...

Бир куни у ётган камерага туйнукдан қалдирғоч кириб қолди. Нималарнидир чуғурлаб чиқиб кетди. Худди ўша кечаси Отажон ака ғаройиб туш кўрди. Тушида соқоллари оппоқ, истарали бир мўйсафид «Ўзинг яхши одамнинг ўғлисан, бу ерларда нима қилиб юрибсан? Менинг қабримни сув босиб кетяпти. Шунинг атрофини ўраб қўйгин», деб елкасига икки-уч марта уриб, ғойиб бўлади. Бу тушни Отажон ака яхшиликка йўйди ва шундай бўлди ҳам. 20 сентябрда Москвдан отувни бекор қилиш ҳақида хабар келди. Бироқ бу озод қилиш дегани эмас эди.

...Отажон ака камерада кўзини очди. Кейин билдики, бу хонада бир вақтлар Файзулла Хўжаев ҳам ётган экан. Отажон аканинг томирлари музлади. У Файзулла Хўжаевнинг қисмати ҳақида кўп эшитган эди. Сал нарсага тилдан осиладиган замонлар эди у вақтлар.

Уни Жезқозғон лагерига олиб келишди. У ерда турли миллатдаги одамларни учратиш мумкин эди. Маҳбуслар мис қазиб олинадиган шахтада қулдек ишлашарди. Одамлар очликка чидай олмай, нобуд бўлишарди. Отажон ака ҳам ана шундай қурбонларнинг бири бўлиши мумкин эди. Очликдан озиб-тўзиб, қовурға суяклари санаса бўладиган даражага бориб қолди.

Тепадан тушган тош бошига тўғри келгандами... Госпиталда немис миллатига мансуб жарроҳ унинг синган оёғини даволади. Бўлмаса, госпиталда беморларга бефарқ қарайдиган Масловнинг оғзаки гапи билан оёқсиз қолиши аниқ эди...

Отажон ака бошдан кечирганларини гапириб бераркан, бирдан тўхтаб:

– Э, укам, сизга бир нарсани кўрсатмабман-ку, – деб ичкари хонага кириб кетди-да, қўлида рўмолга ўралган тўрт бурчак нарса билан чиқди. – Бу менинг 16 йил азоб-уқубатлар чеккан кезларимдан қолган эсдалик. Уни бир ҳўкиз баҳосига сўрашди. Бермадим.

Қизиқ, бу рўмолда бир ҳўкизга алмаштиргудек нима бор экан?

Қарасам, шахмат тахтаси. Пиёдалар немис аскарлари кўринишида, шоҳ – худди тирик шоҳдек. Отни айтмайсизми? Унга тикилиб зерикмайсан, киши. Нафис ва гўзал қилиб ясалган доналарнинг ҳар биттаси – санъат асари. Отажон аканинг айтишича, худди шундай шахмат дунёда иккита экан.

Шахматнинг биттасини Никита Хрушчев БМТ кўргазмасида намойиш қилиш учун олиб борган. Буни қарангки, юқори мартабали раҳбарлардан бири шахмат «ижодкори»ни дарҳол таниб қолади. Сўраб-суриштиришса, уруш пайтида йўқолган генералнинг дараги чиқади ва шу ернинг ўзида уни ортга қайтаришни талаб қилишади.

...Немис генерали формасидаги маҳбус билан Отажон ака анча вақт бирга бўлди. Бир куни генерал Отажон акани ёнига чорлайди. Унинг қўлига шахмат тахтасини тутқазиб, «Бу ерлардан эсон-омон чиқсанг, мана шу шахмат мени ва мен билан бирга кечирган кунларингни эслатиб туради. Бу сенга эсдалик учун совға, уни йўқотма», дейди.

1964 йил 22 август. Бу санани Отажон Полвонов кун санаб кутди. СССР Олий Совети сессиясида уларни озод қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинганини эшитиб, юраги ёрилаёзди. 1965 йил ўрталарида она юрти – Хоразмга қайтди. Бу кунга етгунча эса, собиқ Иттифоқнинг бир қанча лагерларида азобли ҳаётни бошидан кечирди. Тайганинг қаҳратон қишида дарахт кесди. Комида бўлди...

Ўн олти йил ичида у кўп нарсасидан ажралди, кўпларни йўқотди. Энг ачинарлиси, онасидан айрилибди. Йигитлик кучи ва ғайратини унинг хизматларига сарфлай олмади.

Онаизор ўғли қайтиб келишидан умидини узиб, унга аза очган ва дунёдан армон билан кўз юмган эди.

1989 йил 28 сентябрь куни Отажон акага КГБдан чақирув қоғози келди. Уни ўқиши биланоқ юраги ўтмишга, 50-йиллардаги мудҳиш замонга тортиб кетди. Чақирилган жойга борганда юзи докадек оқарганди.

– Отажон ака, қўрқманг, бардам бўлинг. Табриклаймиз, отангиз оқланди...

Бу сўзлардан Отажон аканинг томоғига нимадир тиқилди, кўзларидан дув-дув ёш тўкилди.

Ма-на, ҳа-қи-қат бор экан-ку!

Ҳа, ҳақиқат қарор топди. Аммо жуда кеч. Чунки энди ҳақиқат Отажон аканинг кўксидаги азобли хотираларни ўчиролмайди. Фарзандига аза тутиб, дунёдан кўз юмган онаизорни жисман тирилтиролмайди.

Бироқ, барибир, ҳеч бўлмагандан кеч бўлгани ҳам афзал экан.

Уни отишга ҳукм қилишган эди. У эса орамизда.



**Азамат САФАРОВ,**
*журналист*

**PS: Мен бу мақолани ёзиш учун талабалик пайтимда Урганч туманидаги Беговот қишлоғида яшовчи Отажон Полвоновнинг хонадонини топиб, у билан суҳбатлашгандим. Мақола 1992 йили «Оила ва жамият» газетасининг 48-сонида эълон қилинди. Унинг қаҳрамони 2003 йили 65 ёшида вафот этди. Ҳозир унинг суратлари, қамоқхоналарда ёзган кундалиги ҳамда ўша машҳур шахмат тахтаси Урганч давлат университети қошидаги «Қатағон қурбонлари» музейида сақланмоқда. Ҳар гал музейга борганимда, инсон қадри оёқости қилинган қатағон йилларида не азоб-уқубатларни кўрган, ўлиб-тирилган бир инсон қиёфаси кўз ўнгимдан кетмайди. Музейга ташриф буюраётган ёшлар ундаги экспонатлар, тарихий ашёлар ва тақдирлар билан яқиндан танишиб, бу кунларнинг қадрига етмоғи зарур. Шу мақсадда бу мақолани газетхонларга яна бир бор илиндим.**

**Азиз газетхон!**
**Мароқли дам олинг!**



*Ҳар баҳор чокидан сўкилар йиллар.*
*Тириклик йўлидан тўкилар йиллар.*
*Умр карвонига қўшилар йиллар.*
*Ким бор, ким йўқ яна баҳор келгунча.*

Азамат Шарипов ижросида
*«Баҳор келгунча...»* қўшиғи

**MUASSIS:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Navoiy viloyati –** (+998-90) 500-05-12
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-93) 213-09-66
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg'ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** A. Haydarov
**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, D. Ravshanova
**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –** 23:20
**Topshirildi –** 23:40

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 32 427 та**
**Shundan:**
**6 246 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
**18 273 nusxasi** «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
**7 908 nusxasi** «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda **chop etildi.**

**Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига босмахона масъул.**

**Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
**Buyurtma G-211**

1 2 3 4 5 6